



20 20 у « 20» октябрь

№ Қ-585

«\_\_» 20\_\_ г

**Ангор тумани “Амударё” массиви худудидан  
“GLOBAL BUSINESS EXPORT” МЧЖга  
“Павлония” дарахтларини етиштириш  
мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 20 октябрдаги 05-02/738-сон йиғилиш баёни ва Ангор туман ҳокимининг 2020 йил 2 октябрдаги 311/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 20 октябрдаги 05-02/738-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Ангор тумани “Амударё” массиви худудидан “GLOBAL BUSINESS EXPORT” МЧЖга кишлоқ хўжалиги харитасининг 228, 229, 230 ва 231-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 37,0 балл бонитетли жами 19,63 гектар, шундан 17,48 гектар суғориладиган экин ер, 1,4 гектар яйлов ер ва 0,75 гектар сув ости ер майдонлари павлония дарахтини етиштириш мақсадида доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “GLOBAL BUSINESS EXPORT” МЧЖ бошлиғи Б.Абдураимовга: “Павлония” етиштириш учун ажратилаётган ер майдонидан фақат “Павлония” дарахтларини етиштириш учун фойдаланиш; мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида, ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Ангор тумани ҳокимлиги (Ш.Абдуллаев) ер ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов